

**МАЪМУРИЙ ПРЕЮДИЦИЯ ИНСТИТУТИ ИЖТИМОЙ ХАВФИ КАТТА БЎЛМАГАН ҚИЛМИШЛАРНИ ДЕКРИМИНАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА**

Сулаймонов Озодбек Рустам ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза

қилиш академияси магистратура тингловчиси

**Аннотация:**

Мақолада маъмурий преюдиция институтининг ҳуқуқий табиати ҳамда унинг ижтимоий хавфи катта бўлмаган қилмишларни декриминализация қилиш ва жиноят-ҳуқуқий тартибга солишни оптималлаштиришдаги ўрни таҳлил қилинади. Муаллиф маъмурий преюдициянинг тушунчаси, белгилари ва шакллари очиқ беради, шунингдек унинг Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигидаги мавжуд нормаларини тергов амалиёти нуктаи назаридан баҳолайди. Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси ва Қозоғистон Республикаси қонунчилигидаги преюдиция институтининг ўзига хос жиҳатлари қиёсий-ҳуқуқий усул асосида ўрганилган. Мазкур институтнинг амалий қўлланилишидаги муаммолар очиқ берилган ва уни янада самарали татбиқ этиш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** маъмурий преюдиция, декриминализация, ижтимоий хавф, жиноят ҳуқуқи, такрорийлик, маъмурий жавобгарлик, жиноят сиёсати, тергов амалиёти, маъмурий жазо, «ultima ratio» тамойили.

**Аннотация:**

В статье анализируется правовая природа института административной преюдиции и его роль в декриминализации деяний, не представляющих большой общественной опасности, и оптимизации уголовно-правового регулирования. Автор раскрывает понятие, признаки и формы административной преюдиции, а также оценивает существующие нормы уголовного законодательства Республики Узбекистан с точки зрения следственной практики. Сравнительно-правовым методом изучаются особенности института преюдиции в законодательстве Российской Федерации, Республики Беларусь и Республики Казахстан. Выявлены проблемы практического применения данного института и разработаны конкретные предложения по его более эффективному использованию.

**Ключевые слова:** административная преюдиция, декриминализация, общественная опасность, уголовное право, повторность, административная ответственность, уголовная политика, следственная практика, административное наказание, принцип «ultima ratio».

**Abstract:**

The article analyzes the legal nature of the institution of administrative prejudice and its role in the decriminalization of acts not posing great public danger and in optimizing criminal law regulation. The author reveals the concept, features and forms of administrative prejudice, and evaluates the existing norms of the criminal legislation of the Republic of Uzbekistan from the perspective of investigative practice. Using the comparative legal method, the features of the prejudice institution in the legislation of the Russian Federation, the Republic of Belarus, and the Republic of Kazakhstan are studied. Problems of the practical application of this institution are revealed, and specific proposals for its more effective implementation have been developed.

**Keywords:** Administrative prejudice, decriminalization, public danger, criminal law, repetition, administrative liability, criminal policy, investigative practice, administrative punishment, «ultima ratio» principle.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари жиноят-ҳуқуқий тартибга солишни оптималлаштириш, жиноят доирасини мантикий чегаралаш ҳамда давлат мажбурлов механизмнинг мутаносиб қўлланилишини таъминлаш вазифаларини кун тартибига қўймоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон Қароридан жиноят сиёсатини инсонпарварлаштириш ва ортиқча криминализация ҳолатларини бартараф этиш стратегик йўналиш сифатида белгиланган [1]. Мазкур вазифаларни ҳал этишда маъмурий преюдиция институти муҳим ҳуқуқий восита ҳисобланади.

Маъмурий преюдиция — жиноий ва маъмурий жавобгарлик чегарасидаги ўзига хос ҳуқуқий мустаҳкамлов бўлиб, у жиноят ҳуқуқининг «охирги чора» (ultima ratio) тамойилини амалий татбиқ этишга хизмат қилади. Мазкур институт тергов органларининг ортиқча юкласини пасайтиришга, шунингдек биринчи марта содир этилган ижтимоий хавфи паст қилмишлар учун енгилроқ таъсир чораларини қўллаш орқали шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилишга имкон беради. Шу маънода, маъмурий преюдиция институти декриминализациянинг «нисбий» шаклларида бири сифатида намоён бўлади [2].

### **Маъмурий преюдициянинг ҳуқуқий табиати ва белгилари**

Илмий адабиётларда маъмурий преюдиция тушунчасига турли ёндашувлар мавжуд. Н.С. Салаевнинг фикрича, «маъмурий преюдиция деганда, қилмишни жиноят деб топиш учун уни содир этган шахсга илгари худди шундай қилмиши учун маъмурий жазо қўлланилган бўлиши ва бу шартнинг жиноят қонунини Махсус қисми тегишли моддасида белгилаб қўйилганлиги тушунилади» [2]. Ушбу таъриф институтнинг икки муҳим белгисини ажратиб кўрсатади: биринчидан, шахснинг маъмурий жавобгарлик соҳасида аввалги ҳуқуқбузарлиги; иккинчидан, ушбу шартнинг қонунда расмий мустаҳкамланиши.

Н.А. Лопашенко маъмурий преюдициянинг асосий функциясини «жиноий таъқибни оқилона чеклаш орқали жиноят ҳуқуқининг профилактик салоҳиятидан фойдаланиш» сифатида баҳолайди [3]. А.Г. Безверховнинг таҳлилига кўра, мазкур институт «жиноят ва маъмурий жавобгарликнинг синергиясини таъминловчи ҳуқуқий механизм сифатида» ривожланиб бормоқда [4].

Маъмурий преюдициянинг ҳуқуқий табиатини тўлиқ тушуниш учун унинг қуйидаги асосий белгиларини ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, шаклий (формал) белги — такрорийлик. Шахс иккинчи ёки ундан кўп марта худди шундай қилмишни содир этиши лозим. Бунда биринчи қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилган бўлиши ва у белгиланган муддат ичида кучда қолиши шарт.

Иккинчидан, мазмуний (моҳиявий) белги — маъмурий жавобгарликнинг самарасизлиги. Қайта содир этилган қилмиш маъмурий таъсир чораларининг қўрилган профилактик самара бермаганини далолатлайди, шу сабабли жиноий жавобгарлик асосли бўлади.

Учинчидан, мутаносиблик белгиси. Маъмурий преюдиция шахсга нисбатан оғир ҳуқуқий оқибатлар вужудга келтиргани учун, уни қўллаш аниқ ҳуқуқий асосга ва процессуал кафолатларга эга бўлиши лозим [5].

**Маъмурий преюдиция институтининг Ўзбекистон қонунчилигидаги ривожланиши**

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг айрим моддаларида маъмурий преюдиция элементлари мавжуд. Мисол учун, Жиноят кодексининг 193-моддаси (Маҳсулот сифатини бузиш ёки расмийлаштирмаган маҳсулотни сотиш) ёки 267-моддаси (Маиший ҳуқуқбузарликлар) айрим тарзда такрорийлик белгиси билан боғлиқ нормаларни ўз ичига олади [6]. М.Х. Рустамбоевнинг шарҳларига кўра, «Ўзбекистон жиноят қонунчилиги маъмурий преюдиция институтининг айрим элементларини қабул қилган, аммо бу ҳолат тизимли ва изчил эмас» [7].

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилиги ҳам такомиллаштирилмоқда. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 37-моддасига мувофиқ, маъмурий жавобгарлик муддати одатда бир йилни ташкил этади [8]. Ушбу муддат маъмурий преюдиция институтининг амалий қўлланилиши учун муҳим ҳуқуқий чеклов ҳисобланади: шахс биринчи маъмурий жазо қўлланилгандан кейин бир йил ичида қайта ҳуқуқбузарлик содир этса, жиной жавобгарлик юзага келиши мумкин.

Бироқ амалдаги қонунчиликда маъмурий преюдициянинг умумий методологик асоси — унинг тушунчаси, қўллаш шартлари ва процессуал тартиби — махсус норма сифатида тартибга солилмаган. Бу ҳолат амалиётда бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда: тергов органларининг турли ҳудудларда бир хил ҳолатларни турлича квалификация қилиши, преюдиция қўлланилиши учун зарур ҳужжатларнинг процессуал расмийлаштирилиши мураккаблашиши ва шахснинг маъмурий жавобгарлик тарихининг аниқ ва тез аниқланмаслиги.

**Хорижий тажриба: Россия, Беларусь ва Қозоғистон**

Маъмурий преюдиция институти МДХ давлатларида турли даражада ривожланган. Энг изчил ёндашув Россия Федерацияси жиноят қонунчилигида кузатилади. Россия Федерациясининг Жиноят кодексига 2011 йилдан бошлаб маъмурий преюдицияга асосланган бир қатор моддалар киритилган, жумладан 116.1 (оила ичидаги зўравонлик), 151.1 (вояга етмаганларга спиртли ичимликлар сотиш), 157 (алиментлар тўлашдан бош тортиш), 158.1 (такрорий майда ўғрилиқ), 264.1 (маст ҳолатдаги ҳайдаш) ва бошқалар [9]. Н.А. Лопашенкога кўра, «Россия тажрибасида маъмурий преюдиция тергов органлари юкласини сезиларли камайтиришга хизмат қилди ва жиной таъқибнинг иқтисодий самарадорлигини оширди» [3].

Беларусь Республикасининг Жиноят кодексига маъмурий преюдиция институти янада кенг қўлланилади. Беларусь ҳуқуқ тизимида мазкур институт «жиной жавобгарликни чеклаш ва профилактик тарбия воситаси» сифатида эътироф этилган [10]. А.В. Баркованинг таҳлилига кўра, Беларусь Жиноят кодексига маъмурий преюдицияга асосланган 60 дан ортиқ модда жиноят сиёсатининг инсонпарварлик йўналишини таъминлашга хизмат қилади.

Қозоғистон Республикасининг 2014 йилда қабул қилинган Жиноят кодекси эса ўзига хос ечимни тақдим этади. Д.А. Зыков ва А.В. Шеслернинг таҳлилига кўра, Қозоғистон тажрибасида «жиной ножўя қилмиш» (\*criminal misdemeanor\*) институти киритилган бўлиб, у маъмурий преюдициядан фарқли равишда жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик ўртасидаги оралиқ тоифани шакллантиради [11]. Ушбу ёндашув маъмурий преюдиция институтига нисбатан принципиал жиҳатдан фарқ қилади: агар преюдиция шахснинг такрорийлигига асосланса, «жиной ножўя қилмиш» тоифаси қилмишнинг ижтимоий хавф даражасига асосланади.

А. Қурбановнинг таҳлилига кўра, «Ўзбекистон жиноят-ҳуқуқий сиёсати учун Россия ва Беларусь моделига яқин бўлган маъмурий преюдиция усули маъқулроқ ҳисобланади, зеро у амалдаги ҳуқуқий тизимга минимал ўзгартириш киритиш орқали декриминализация жараёнини таъминлай олади» [12].

### Тергов амалиётидаги муаммолар

Тергов амалиёти ва илмий манбаларни ўрганиш асосида маъмурий преюдиция институтининг амалий татбиғида қуйидаги тизимли муаммоларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

Биринчи муаммо — маъмурий жавобгарлик тарихининг аниқланишидаги мураккабликлар. Ҳозирда турли ҳудудлардаги маъмурий органлар ўртасида ягона электрон ахборот алмашиш тизими етарли даражада ривожланмаган. Бу ҳолат тергов органларига шахснинг бошқа ҳудудда маъмурий жавобгарликка тортилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни тўплашда сезиларли қийинчилик туғдиради [13]. Натижада маъмурий преюдицияни қўллаш жараёни чўзилади, баъзи ҳолатларда эса умуман қўлланилмай қолади.

Иккинчи муаммо — бир йиллик муддат қондасининг амалий чегаралилиги. Маъмурий жавобгарлик тугаганидан кейин бир йил ўтиши билан маъмурий преюдиция қўлланиш имконияти йўқолади. Бу қоида муайян жиноятларга нисбатан — масалан, йилига бир ёки икки марта содир этиладиган такрорий қилмишлар — маъмурий преюдиция самарадорлигини чекловчи ҳолат сифатида намоён бўлади [2].

Учинчи муаммо — маъмурий преюдицияни қўллаш учун зарур процессуал қафолатларнинг етарли даражада тартибга солинмаганлиги. Мазкур институт шахсга нисбатан жиддий ҳуқуқий оқибатлар вужудга келтиргани учун, унинг қўлланилиши учун расмий процессуал тартиб ва процессуал ҳужжатларга эга бўлиши лозим.

Тўртинчи муаммо — маъмурий ва жиноий жавобгарликнинг айрим моддаларда нотекис тақсимланганлиги. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг айрим моддалари ўртасида «юридик чегарасизлик зонаси» мавжуд, бу эса бир хил ижтимоий зарарга эга қилмишларнинг турлича квалификация қилинишига олиб келиши мумкин [14].

### Таклиф ва тавсиялар

Юқоридаги таҳлил асосида маъмурий преюдиция институтининг Ўзбекистон Республикаси жиноят-ҳуқуқий сиёсатидаги амалиётини такомиллаштириш бўйича қуйидаги конкрет таклифлар ишлаб чиқилади:

Биринчидан, Жиноят кодексига маъмурий преюдициянинг умумий методологик асосини белгиловчи алоҳида норма киритилиши мақсадга мувофиқ. Ушбу норма маъмурий преюдициянинг тушунчаси, қўллаш шартлари ва муддатлари ҳамда процессуал тартибини аниқ белгилаши лозим.

Иккинчидан, маъмурий жавобгарлик фактларини қайд этувчи ягона электрон реестрни яратиш зарур. Мазкур реестр тергов органларига шахснинг маъмурий жавобгарлик тарихини тез ва аниқ аниқлаш имконини беради. Шу билан бирга, у Ички ишлар вазирлиги, прокуратура, солиқ ва божхона органлари ўртасида ахборот алмашиш тизимини интеграллаштириши керак.

Учинчидан, маъмурий преюдициянинг амал қилиш муддатини — ҳозирги 1 йилдан — айрим жиноят таркибларига нисбатан 2—3 йилгача кенгайтириш масаласини илмий-ҳуқуқий жиҳатдан кўриб чиқиш. Бу айниқса такрорийлик белгиси намоён бўладиган қилмишлар — масалан, оила ичидаги зўравонлик, транспорт воситаларини маст ҳолда ҳайдаш каби соҳаларда самарали бўлиши мумкин.

Тўртинчидан, Олий суд Пленумининг маъмурий преюдиция институтини қўллашга бағишланган махсус қарори қабул қилиниши керак. Ушбу қарор тергов органлари ва судларга аниқ методик кўрсатма беради, амалиётдаги бир хилликни таъминлашга хизмат қилади.

Бешинчидан, маъмурий преюдиция институтига асосланган янги жиноят моддаларини киритиш орқали мавжуд Жиноят кодексига айрим моддаларни декриминализация қилиш. Масалан, майда

иқтисодий жиноятлар, ҳужжатлар билан боғлиқ майда ҳуқуқбузарликлар ва айрим маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича маъмурий преюдицияни кенгайтириш — бу соҳалардаги жиноят таъқибини мақбуллаштиришга хизмат қилади.

Олтинчидан, Ўзбекистон Республикасида «ижтимоий хавфи катта бўлмаган қилмиш» тушунчасини норматив жиҳатдан белгилаш орқали маъмурий преюдиция институтини тизимли асосга қўйиш зарур. Ушбу тушунчанинг аниқ белгилари тергов амалиётидаги квалификация масалаларини бирхиллаштиришга хизмат қилади.

### Хулоса

Маъмурий преюдиция институти жиноят ҳуқуқида декриминализациянинг муҳим процессуал воситаларидан бири сифатида намоён бўлиб, у ижтимоий хавфи катта бўлмаган қилмишлар доирасини мантикий чегаралашга, тергов органлари юкламасини пасайтиришга ҳамда жиноят ҳуқуқининг «ultima ratio» тамойилини амалий татбиқ этишга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мазкур институт айрим элементлари мавжуд бўлса-да, унинг тизимли методологик асоси ҳамда процессуал тартиби етарли даражада ривожланмаган.

Россия, Беларусь ва Қозоғистон давлатлари тажрибасининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили шуни кўрсатадики, маъмурий преюдиция институти ҳар бир миллий ҳуқуқий тизим ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда самарали қўлланилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси учун Россия ва Беларусь моделига яқин бўлган ёндашув оптимал ҳисобланади, зеро у мавжуд ҳуқуқий тизимга мос келади ва жиддий тизимли ўзгартиришларни талаб қилмайди.

Мақолада ишлаб чиқилган таклифлар — маъмурий преюдициянинг умумий методологик асосини белгиловчи норма киритиш, ягона электрон реестрни яратиш, муддатларни кенгайтириш, Олий суд Пленуми қарорини қабул қилиш ва мавжуд моддалар доирасини кенгайтириш — маъмурий преюдиция институтини Ўзбекистон шароитида самарали татбиқ этишнинг илмий асосланган йўналишларини белгилайди. Мазкур чораларнинг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасида декриминализация сиёсатини янада чуқурлаштириш ва жиноят-ҳуқуқий тизимни оптималлаштиришга замин яратади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3723-сон Қарори. — <https://lex.uz/docs/-3735818>
2. Салаев Н.С. Жиноят ҳуқуқида декриминализация: моҳияти, турлари ва аҳамияти хусусида айрим мулоҳазалар // Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. — 2024. — № 12 (4-жилд). — Б. 415—431. DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I12Y2024N60>
3. Лопашенко Н.А. Уголовная политика: учебник. — М.: Волтерс Клувер, 2009. — 608 с.
4. Безверхов А.Г. Административная преюдициальность в уголовном праве России: истоки, реалии, перспективы // Вестник Самарской гуманитарной академии. Серия «Право». — 2011. — № 2. — С. 43—49.
5. Кудрявцев В.Н. Основания уголовно-правового запрета: криминализация и декриминализация. — М.: Наука, 1982. — 303 с.
6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. — <https://lex.uz/docs/-111138>
7. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар (Умумий қисм). — Тошкент: ИLM ZIYO, 2006. — 480 б.

8. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. — <https://lex.uz/docs/-14672>
9. Уголовный кодекс Российской Федерации. — М.: Проспект, 2023. — 256 с.
10. Баркова А.В. Административная преюдиция в уголовном праве Беларуси: теоретические и практические аспекты // Вестник Полоцкого государственного университета. Серия D. — 2022. — № 5. — С. 103—110.
11. Зыков Д.А., Шеслер А.В. Понятие, основания и принципы криминализации и декриминализации деяний // Вестник Владимирского юридического института. — 2013. — № 1(26). — С. 85—90.
12. Kurbonov A. A comparative-legal analysis of «criminal misconduct» concept in Uzbekistan // Oriental Journal of History, Politics and Law. — 2021. — № 3. — P. 45—52.
13. Антонов А.Д. Теоретические основы криминализации и декриминализации: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2001. — 29 с.
14. Нечаев А.Д. Концептуальные основы и теоретическое моделирование криминализации и декриминализации: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Саратов, 2017. — 33 с.
15. Коробеев А.И. Уголовно-правовая политика: проблемы криминализации и пенализации. — Владивосток, 2020. — 256 с.